



20 20yil " 23 " Iyulda № 902

Яйпан шаҳри

«Иззатбек Анваржон Ўқчи» хусусий корхонасига Бозорбоши ММТП Ўқчи-Дашт МФЙ худудидан «Савдо дўкони ва дорихона» қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Такдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 5-6-36-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16-ноябр кунги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» 911-сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида» ги қонунининг 6-10-моддаларига асосланиб:

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги бош юрисконсульти бошчилигида 2019-йил 30-май унги тузулган далолатномага инобатга олинсин ҳамда «Иззатбек Анваржон Ўқчи» хусусий корхонаси раҳбари Г.Ғозиевнинг туман ҳокимлигида 2019-йил 12-август куни №1058-сон билан қайд этилган аризаси қаноатлантирилсин.

2. Бозорбоши ММТП Ўқчи-Дашт МФЙ худудидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган туман ҳокимининг 2020-йил 9-июн кунги 841-сонли қарори билан туман захирасига олинган ер майдонидан «Савдо дўкони ва дорихона» биноси қурилиши учун «Иззатбек Анваржон Ўқчи» хусусий корхонасига 0.02 га ер майдони ажратиб берилсин.

3. «Савдо дўкони ва дорихона» қурилишини лойихалаштириш учун лойиҳа олди хужжатларини «Архитектура-режалаштириш топшириқлари» олиш, қурилиш ишларини архитектура-қурилиш меъёрлари ва талабларига биноан тасдиқланган лойиҳа асосида олиб бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 36-моддаси 10-бандига асосан ажратилган ер майдонидан 2 (икки) йил муддатда белгиланган мақсадда «Савдо дўкони ва дорихона» биноси» қурилиши бошланмаса ушбу қарор бекор қилиниши «Иззатбек Анваржон Ўқчи» хусусий корхонаси раҳбари Г.Ғозиевга топширилсин.

4. Ушбу қарор тасдиғи Халқ депутатлари тумани кенгашидан сўралсин.

5. Мазкур қарор тасдиқланиб, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 2016-йил 15-декабр кунги танлов савдоси баённомаси ҳамда туман ҳокимининг 2017-йил 1-июл кунги №1074-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ҳамда манфаатдор томонларга билдирилсин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари И. Нажмиддинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Қ. Джураев